

Автоматлаштирилган Давлат Бюджети Газна Ижроси Истиқболлари

М. А. Абдуганиев

ТДИУ «Молия ва бухгалтерия хисоби» Талабаси

Аннотация: Мақолада давлат молиясини бошқаришда автоматлаштирилган ахборот тизимларини қўллаш ва бошқарувни рақамлаштириш бўйича истиқболли йўналишларга тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Давлат бюджети, ғазначилик, рақамли тармоқ, самарадорлик, пул мblaғлари, бюджет кодекси, активлар.

Йилдан йилга ахборот технологиялари давлатнинг самарали иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқаришда ахборот технологияларини қўллаш ва уни рақамлаштириш иқтисодиётнинг турли тармоқлари шу жумладан давлат молиясини бошқаришда автоматлаштирилган ахборот тизимларини ва уни рақамлаштириши кенг жорий қилиш тақозо қиласди. Бугунга кунга келиб дунё бўйича рақамли иқтисодиёт 11,5 трлн. АҚШ долларни ёки ЯИМнинг 15,5 фоизини ташкил этиб, олиб борилган тадқиқотларга кўра Интернетнинг саноатда кенг миқёсида ривожланишини рақамли иқтисодиёт улушининг 2025 йилда ЯИМга нисбатан 24,3 фоизга етишига олиб келиши мумкин [1].


Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда Давлат миқёсида рақамли технологияларини қўллаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, 2015 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукumat тўғрисида” қонуни қабул қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилда ПФ-6079-сон билан Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида электрон ҳукumat тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилишга қаратилган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегияда молия тизимида ҳам рақамли трансформация қилиш юзасидан устувор лойиҳалар белгилаб берилди [2]

“Электрон бюджет” тизими давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бюджет ташкилотларининг давлат молиявий ресурсларини (давлат бюджети, мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар) бошқариш уни сарфлаш билан боғлиқ фаолият функциялари тизимлари, ахборот хизматларини ихтиёрий равишда тақдим этишни таъминлайдиган хизматлар тизимлари шунингдек, фуқаролар ва ташкилотларнинг молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган бюджет тизимининг ягона порталини марказлашган дастурий тизимларини (фуқаролар учун очиқ бюджет, вазирлик ва идораларнинг сайtlари ва б.) ўз ичига олади.

**2023: International Conference on Multidimensional Research and
Innovative Technological Analyses (SPAIN)**
<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

Ягона портал икки очик ва ёпиқ қисмдан иборат бўлади. Порталнинг очик қисмида жамоатчилик учун зарур бўлган маълумотлар, ёпиқ қисмида порталдан фойдаланиш учун рухсатга эга ва ваколатли бўлган фойдаланувчиларнинг шахсий кабинетлари бўлади.



1-расм. „Электрон бюджет“ни архитектураси

“Электрон бюджет” бу архитектурада берилган ва бошқа тегишли дастурий тизимларнинг интеграллашган дастурий мажмуаси ҳисобланади ва ундан республиканинг исталган худудида фойдаланиш мумкин бўлади (1-расм).

Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимиға ўтиш бюджет ижросининг механизмиға, бюджет ҳужжатлари айланиши тизимиға, ахборот оқимлари ҳаракатига ва ҳисоб-китоблар технологиясига тегишли ўзгаришларни киритиш зарурлигини назарда тутади.

Қуйида юқори ва такомиллашган ахборот тизимиға мўлжалланган давлат бюджетининг ғазна ижроси концептуал модули келтирилган (2-расм).

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ бюджет ташкилотларининг хисобварақлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ЯФҲда жамланади. ЯФҲга давлат бюджетининг ижросига доир барча молиявий ахборот келиб тушади, яъни солик тўловчилардан бюджетга барча тушумлар ЯФҲга йўналтирилади ва дархол ЯФҲ ААТда акс эттирилади. Давлат бюджети даромад ва ҳаражат қисмларининг ижросига доир ҳужжатлар айланишининг шаклланиши ва уларни ижро этиш шартлари тўғрисидаги ахборот оқимлари ва маълумотлар ААТ бўйича ўтади [3].

ААТ дастурий мажмуа таъминоти таркибиға асосан қуйидаги функционал кичик тизимлар киради: режали маблағ билан таъминлашни бошқариш; мажбуриятлар ва тўловларни бошқариш; тушумларни бошқариш; кассали режалаштириш ва бошқариш; банк орқали бошқариш; қарзни ва қатъий белгиланган даромадли молиявий активларни бошқариш; Бош

**2023: International Conference on Multidimensional Research and
Innovative Technological Analyses (SPAIN)**
<https://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA>

китобни юритиш; бюджет ижроси иштирокчиларини хисоб-китоби ва бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар; очик бюджет ва ахборот хизматлари; бюджет ташкилотлари ходимларини иш хақларини тўғридан тўлаб бериш; тизим маъмурчилиги; давлат харидларини ҳисобга олиш, маблағларни кузатиш, хавфсизлик ва ахборотни ҳимоялаш ҳамда идоралараро ўзаро ҳамкорлик [4].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш бўйича ягона вакиллик ҳисобварагини бошқариш учун ААТ қошида ахборот оқимларининг ягона тизимининг яратилиши: ҳисоб-китоблар илғор технологиясини иқтисодий ва ташкилий шароитларга мослаштирган ҳолда электрон тўлов тизими ва маълумотларни узатиш тизими бўйича ахборот алмашуви билан боғловчи ахборотни қайта ишлаш ва узатиш ягона технологиясини яратиш; ЯФҲдан харажатларни молиялаш учун ресурсларни жамлаш; давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга даромадларнинг ўтказилишини тезлаштириш, мавжуд ҳимояланган алоқа тармоқларидан ахборотни қабул қилиш ва узатиш учун фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Digital Spillover - Oxford Economics\ www.oxfordeconomics.com.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-079-сон Фармонига 15а-иловаси .
3. Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими асослари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2012.
4. Mansurov M. A. Functional Model of Improving the Treasury System in Budget Execution //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – T. 4. – C. 1-7.